

АНТИК АДАБИЁТ — Милоддан аввалги 9-8-асрларда Юнонистонда юзага келган ёзма адабиёт. Бу адабиётнинг илк намуналари «Илиада» ва «Одессия» достонлари бўлиб, булар «Хомер достонлари» деб ҳам юритилади. Хомердан ташқари Эсхил, Софокл, Еврипид каби адиблар ҳам антик адабиётнинг йирик намояндаларидир. Юнонистон ва Қадимги Рим адабиётини антик адабиёт деб аташ бирёклама фикр натижасидир. Чунки ёзма адабиётнинг энг қадимги намуналари Шарқда — Шумер ва Ақадда, Хиндистон, Миср ва Бобилда яратилган. Шумерликларнинг Гилгамеш хақидаги достони юнон адабиётидан 2000 йиллар олдин сополга ёзиб қолдирилган.